

Автомобил Йўллари Давлат Кадастри Карталарини Яратишда, Тегишли Объектларни Рўйхатдан Ўтказиш Ва Расмийлаштириш Тартиби

Г. А. Артиков¹, Ш. Р. Саманкулов², Ш. Ш. Худайкулов³, А. А. Номозов⁴

Аннотция: Ушбу мақолада автомобиль йўллари техник рўйхатдан ўтказиш ва паспортлаштириш, кадастр ҳужжатларини тайёрлаш, йўл элементларини техник рўйхатдан ўтказиш, кадастр маълумотлар базасини яратиш ва ҳимоя зоналарини белгилаш ҳамда автомобиль йўлларига ажратилган минтақалардан фойдаланиш тартиби баён қилинган.

Калит сузлар: Автомобил йўли, йўл ўтказгич, йўл элементлари, естакада, кўндаланг кесим, ҳаракат тасмаси, тоннел, кадастр.

Автомобиль йўллари техник рўйхатдан ўтказиш ва паспортлаштириш, келгусида йўл тармоқларини ривожлантириш, қайта қуриш йўли билан таъмирлаш ва фойдаланилаётган йўлларни сақлаш бўйича ишларни оқилона режалаштириш мақсадида, йўлларнинг ва йўл иншоотларининг мавжудлиги, уларнинг масофаси ва техник ҳолатлари ҳақидаги маълумотларни олиш учун амалга оширилади.

Умумий фойдаланишдаги барча автомобиль йўллари техник кўриқдан ўтказилишлари лозим. Рўйхатдан ўтказиш ва паспортлаштириш амалдаги талабларга риоя қилинган ҳолда, ҳар битта автомобиль йўлида алоҳида амалга оширилади.

Автомобиль йўлларида жойлашган элементларнинг техник кўрсаткичлари ва уларга ажратилган минтақалар тўғрисидаги маълумотлар

1-жадвалда келтирилган тартибда рўйхатдан ўтказилишлари лозим.

1-жадвал Автомобиль йўлларида жойлашган элементларнинг техник кўрсаткичлари ва уларга ажратилган минтақалар тўғрисидаги маълумотлар

№	Кўрсаткичларнинг номи	Кўрсаткичлар
1.	Йўл учун ажратилган минтақа	Ҳимоя кенглиги йўл ўқидан икки томонга 38 м дан, Жами 76 м., йўлнинг умумий узунлиги L=123 км., майдони 934,8 Га ни ташкил этади (ШНҚ 2.10.09-10 га асосан).
2.	Йўлнинг пойи	Қатнов қисми йўл ўқидан икки томонга 4,5 м дан 9 м ни, фойдаланиш қисми икки томонда 3 м дан 6 м, жами хизмат қилиш зонаси 15 м ни ташкил этади.
3.	Қатнов қисми	Қатнов қисми йўл ўқидан икки томонга 4,5 м дан 9 м ни ташкил этади.
4.	Сунъий иншоотлар:	
	А) Кўприклар сони	1 та, ТБ-темир бетон, узунлиги 12 м, юриш қисмининг эни 10 м, юк кўтариш қобиляти 35 тонна, кўприкнинг баландлиги 4 м.
	Б) Тоннеллар сони	1 та, эни 12 м, юриш қисми 9 м, узунлиги L=2 км.
	В) Кўчкига қарши объектлар	3 та, узунлиги L=300 м, ҳимоя устунчаларининг баландлиги 1 м, орқа томонида 2 м чуқурликдаги жарлик бор.
5.	Йўл хизматида қарашли бинолар	2 та, Йўл бўлими (ДРП) биноси, ер ости йўли.

^{1,2,3,4} Мирзо Улугбек номидаги Самарқанд давлат архитектура-қурилиш университети «Геодезия ва картография» кафедраси



6.	Автомобил йўлига қарашли бўлмаган, йўлнинг ер участкаси ҳудудида жойлашган ер ости муҳандислик қурилмалари	
	Электр	380 V ли ер ости электр кабели, ҳимоя кенглиги 1м.дан, кабел узунлиги L=40 м, майдони 80 кв.м.
	Қўшимча	йўқ
	Газ	Диаметри D=100 мм. ли ер ости газ қувури, ҳимоя кенглиги 5м.дан, қувур узунлиги L=72,47 м, майдони 722,96 кв.м.
	Сув	Диаметри D=70 мм. ли ер ости сув қувури, ҳимоя кенглиги 5м.дан, қувур узунлиги L=80 м, майдони 800 кв.м.
	Оқова	Диаметри D=100 мм. ли ер ости оқова сув қувури, ҳимоя кенглиги 5м.дан, қувур узунлиги L=100 м, майдони 1000 кв.м.
	Иссиклик	D=70 ли қувур, узунлиги L=100 м, ҳимоя кенглиги 1 м.дан, майдони 200 кв.м.
	Телефон	Ер ости телефон алоқа кабели, ҳимоя кенглиги 1м.дан, кабел узунлиги L=40 м, майдони 80 кв.м.
	Радио-телекоммуникация	йўқ
7.	Автомобил йўлига қарашли бўлмаган, йўлнинг ер участкаси ҳудудида жойлашган ер усти иншоотлари	
	Электр	6000 V ли электр токи, узунлиги L=500 м, баландлиги 10 м, ҳимоя кенглиги 15 м.дан, майдони 15000 кв.м.
	Қўшимча	йўқ
	Газ	D=70 ли газ қувури, узунлиги L=100 м, баландлиги 3 м, ҳимоя кенглиги 1 м.дан, майдони 200 кв.м.
	Сув	D=100 ли сув қувури, узунлиги L=700 м, баландлиги 1 м, ҳимоя кенглиги 1 м.дан, майдони 700 кв.м.
	Иссиклик	D=70 ли қувур, узунлиги L=100 м, баландлиги 3 м, ҳимоя кенглиги 1 м.дан, майдони 200 кв.м.
	Телефон	Телефон алоқа кабели, ҳимоя кенглиги 1м.дан, кабел узунлиги L=40 м, майдони 80 кв.м.
Радио-телекоммуникация	йўқ	
8.	Йўлларнинг жиҳозланганлиги ва кўкаламзорлаштирилганлиги	Самарқанд ХДААЙСИФТ “Ўзавтойўл” ДАК ташкилоти томондан ҳар йилда бир марта
9.	Автотранспорт хизматига қарашли бинолар	“Ўздарётранс” миллий агентлигига қарашли Самарқанд вилояти Пайариқ тумани автокорхонаси






Йўлларни текшираётганда асосан, асбоблар ёрдамида текшириш усуллари қўлланилади. Геометрик параметрларни ўлчаш, қопламанинг шикастланганлик даражасини баҳолаш, йўллардаги жиҳозлар ва қурилмалар ҳақида маълумотларни тўплаш ва ҳаракат жадаллигини ҳисоблаш автомобиль йўлларини паспортлаштириш лабораторияси ёрдамида амалга оширилади. Йўл тўшамасининг мустаҳкамлиги, текислиги ва қопламанинг сирпанчиқлик даражасини баҳолаш учун махсус кўчма лабораториядан фойдаланилади. Олинган маълумотлар компьютер ёрдамида ишланади ва таҳлил қилиниб йўл-ахборот банкига киритилади.

Кадастр рўйхати, кадастр маълумоти давлат автойўллар кадастри корхона китобига киритилади. Автомобил йўллари кадастрига умумий фойдаланувчи йўллар ва асосий объектларга тегишли маълумотлар 2-жадвалда келтирилган тартибда расмийлаштирилади.

2-жадвал

Автомобил йўллари кадастрига умумий фойдаланувчи йўллар ва асосий объектларга тегишли маълумотларни расмийлаштириш тартиблари



№	Кўрсаткичлар номи	Кўрсаткичлар
1.	Кўприклар сони	1 та, шартли белгиси  $\text{CA} \frac{12-10}{35} 4$ (таснифи ТБ-темир бетон, узунлиги 12 м, юриш қисмининг эни 10 м, юк кўтариш қобилияти 35 тонна, кўприкнинг баландлиги 4 м)
2.	Тоннеллар сони	1 та, шартли белгиси  эни 12 м, юриш қисми 9 м, узунлиги L=2 км
3.	Кўчишга қарши иншоотлар сони	3 та, шартли белгиси  узунлиги L=300 м, ҳимоя устунчаларининг баландлиги 1 м, орқа томонида 2 м чуқурликдаги жарлик бор
4.	Асфальт бетон заводи	Оқдарё ТЙХПТФКга қарашли асфальт заводи, номи Оқдарё АБЦ ДС-117 К , ишлаб чиқариш қуввати 20 тонна/соат, техник соз шартли белгиси 
5.	Карьерлар	Фарход каръери (КША), таснифи тош ишлаб чиқаради, карьернинг баландлиги 3 м, шартли белгиси 
6.	Майдаловчи цехлар	Фарход каръери (КША)га қарашли тош майдаловчи цех, таснифи тош ишлаб чиқаради, ишлаб чиқариш қуввати 30 тонна/соат, техник соз
7.	Темир бетон конструкция ишлаб чиқарувчи завод	Жомбой темир бетон конструкция ишлаб чиқарувчи заводи ишлаб чиқариш қуввати 80 тонна/соат, техник соз
8.	Таъмирлаш заводи	Пайариқ туман йўл хўжалик пудрат таъмирлаш фойдаланиш корхонаси.
9.	Трест ва қурилиш бошқармаси	«Ўзавтойўл» ДАКнинг тегишли худудий бўлинмасига қарашли Самарқанд вилояти «Йўл лойиҳа бюроси» МЧЖ лойиҳа институти
10.	Автокорхоналар сони	“Ўздарётранс” миллий агентлигига қарашли Самарқанд вилояти Пайариқ тумани автокорхонаси
11.	Ижтимоий объектлар	Пайариқ тумани “Камолот ЁИХ” биноси

Автойўллар кадастрини рўйхат қилишда иншоот ва бинолар кадастри маълумотлар орқали рўйхат қилиниши керак.

Автомобиль йўлларига ажратилган минтақалардан фойдаланиш тартиби. Автомобиль йўлларидан фойдаланувчи юридик ва жисмоний шахслар, автомобиль йўллари минтақасида ер ости ва устидан ўтувчи ҳамда бошқа иншоотлар ва коммуникацияларни қурувчи ёки таъмирловчи ташкилотларнинг ушбу тартибга амал қилиши мажбурийдир.



1. Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари учун хавфсизлик минтақаси (қизил чизикқача бўлган масофа) йўлларнинг тоифалари бўйича қурилиш учун ажратилган ер тасмаси чегарасидан қуйидагича белгиланади:

1. ва 2 - тоифадаги автомобиль йўлларида - 25 метр;
2. тоифадаги автомобиль йўлларида - 20 метр;
3. ва 5 - тоифадаги автомобиль йўлларида - 15 метр.

Автомобиль йўллари қурилиши учун ажратилган ер тасмаси чегараси тегишли қурилиш меъёрлари ва қоидаларида белгиланган.

2. Шаҳар кўчалари учун хавфсизлик минтақаси (қизил чизикқача бўлган масофа) шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларида белгиланган (1, 2 ва 3-жадваллар).

3. Автомобиль йўллари ва уларнинг хавфсизлик минтақаларида қуйидагилар тақиқланади:

- автомобиль йўллари ва кўчаларни, улардаги сунъий иншоотларни сақлашга ва ҳаракат хавфсизлигини таъминлашга тааллуқли бўлмаган бошқа бино ва иншоотларни қуриш;
- ажратилган минтақада ҳамда кўприклардан, йўл ўтказгичлардан ва эстакадалардан 200 метргача бўлган масофаларда лагерлар, палаткали шаҳарчалар барпо этиш ва олов ёқиш;
- дарёлардаги кўприклардан ўзан бўйлаб юқорига ва пастга қараб 2,5 км. гача бўлган масофада қум ва тошлар олиш учун карьерлар барпо этиш;
- ер шўрини ювиш, йўл четидаги ариқчалардан суғориш учун фойдаланиш, маданий қишлоқ хўжалиги экинларини суғориш, яшил минтақани суғориш каби ишларда автомобиль йўлларини сувга бостириш, ажратилган минтақани балчиқлантириш.

4. Автомобиль йўлига туташ ер участкаларининг мулкдорлари, эгалари ва улардан фойдаланувчилар:

- автомобиль йўлига туташ буталарни парвариш қилиши ва иморатларни соз ҳолатда сақлаши;
- автомобиль йўли ўқидан 50 метрдан кам бўлган масофада тошлар, шох-шабба, конструкциялар ва бошқа материаллар тўпланишига йўл қўймаслиги шарт.

5. Ҳалқаро, давлат ва маҳаллий аҳамиятга эга йўллар билан туташувчи ва кесиб ўтувчи барча йўллар асосий йўлдан иккала тарафда 100 м масофагача қаттиқ қопламали бўлиши шарт.

6. Биринчи ва иккинчи тоифали ҳамда келажакда қайта таъмирланиб юқори тоифага ўтказилиши режалаштирилган учинчи тоифали автомобиль йўлларининг иккала тарафида ҳам яқин масофаларда иморатлар қуриш тақиқланади.

Автомобиль йўлининг кўндаланг кесимининг асосий ўлчамлари 3-жадвалда келтирилган маълумотлар асосида аниқланади.

Автомобиль йўлларининг бир тарафидан қуйидаги ҳолларда, тасдиқланган шаҳарсозлик ҳужжатлари (худудларни меъморий режалаштиришни ташкил этиш лойиҳалари, бош режалари ва батафсил режалаштириш лойиҳалари) асосида қишлоқ хўжалиги ерларига иморатлар қурилиши, Ҳукумат қарорларида белгиланган ҳолларда - белгиланган тартибда объектлар:

- йўлнинг қатнов қисми четидан;
- очик жойларда - 200 метр узокликда;
- аҳоли яшаш жойларида, автомобиль йўлларининг аҳоли пунктлари чегаралари туташган тарафида - 100 метр узокликда жойлаштирилиши мумкин.



3-жадвал Йўл кўндаланг кесимининг асосий ўлчамлари

Йўл элементлари ўлчамлари	Автомагистрал	Тезкор йўл	Одатдаги йўл тури			
	тоифаси					
	Ia	Iб	II	III	IV	V
Ҳаракат тасмаларининг умумий сони	4 ва ундан ортиқ	4 ва ундан ортиқ	2	2	2	1
Ҳаракат тасмаси кенглиги, м	3,75	3,75	3,75	3,5	3,0	4,5
Йўл ёқаси кенглиги, м	3,75	3,75	3,75	2,5	2,0	1,75
Йўл ёқасидаги четки тасма кенглиги, м	0,75	0,75	0,75	0,5	0,5	-
Йўл ёқасининг мустақамланган қисми кенглиги, м	2,5	2,5	2,0	1,5	1,0	-
Йўл ўқи бўйлаб тўсиқлар ўрнатилмаганда марказий ажратувчи тасманинг энг кам кенглиги, м	6,0	5,0	-	-	-	-
Йўл ўқи бўйлаб тўсиқлар ўрнатилганда марказий ажратувчи тасманинг энг кам кенглиги, м	2 м тўсиқ кенглиги		-	-	-	-
Ажратувчи тасма четидаги хавфсизлик тасмасининг кенглиги, м	1,0		-	-	-	-
Йўл пойининг кенглиги, м	28,5 ва ундан ортиқ	27,5 ва ундан ортиқ	15,0	12,0	10,0	8,0

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси “Автомобиль йўллари тўғрисида”ги қонуни. Ўзбекистон Республикасининг янги қонунлари. /Т.: Адолат, 2007 й.
2. Ўзбекистон Республикаси “Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида”ги қонуни. Ўзбекистон Республикасининг янги қонунлари. /Т.: Адолат, 2007 й.
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Айрим давлат кадастрларини юритиш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида” ги 2005 йил 30 июндаги 152-сонли қарорига 1-илова “Автомобиль йўллари давлат кадастрини юритиш тартиби тўғрисида НИЗОМ”
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 26 декабрда тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги автомобиль йўлларида хавфсизликни таъминлаш ва ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 342-сонли қарор.
5. Askarovich, K. Z., Mardonovich, P. I., Samankulov, S. R., & Ogli, B. A. Z. (2021). THEME: DEVELOPMENT OF A METHODOLOGY CREATION OF DIGITAL TOPOGRAPHIC PLANS OF TERRAIN INCLINATION. ResearchJet Journal of Analysis and Inventions, 2(05), 202- 207.
6. Usmanovich, S. T., Rashitovich, S. S., & Adkhamovich, B. U. (2022). It is Currently Modern in the Field of Geodesy Application of Levels. EUROPEAN JOURNAL OF INNOVATION IN NONFORMAL EDUCATION, 2(4), 193-197. 5. Usmanovich, S. T., Rashitovich, S. S., & Adkhamovich, B. U. (2022). SURFACE CONTROL OF HELIOSTATS. Gospodarka i Innowacje., 22, 355-357.
7. SAFAROV, T., UROKOV, O., & SAMANKULOV, S. R. (2020). Studies Of Axes Of Hyeliostat Rotary Turning Devices. International Journal of Innovations in Engineering Research and Technology, 7(05), 144-145.
8. Samankulov, S. R., & Nomozov, A. (2019). The role of modern laser scanners in the geodetic detectionand planning of underground utilities. In Bridge to science: research works (pp. 201-205).



9. Husanov, B., & Samankulov, S. R. (2023). Shaharlarning Geografik Koordinatalari Uzunlama Va Kenglamalarini Beruniy Asarlarida Berilishi. *Miasto Przyszłości*, 35, 423-426.
10. Сафаров, Т. У., & Саманкулов, Ш. Р. (2023). Исследования Установки И Контроль Геометрических Параметров Отражателей Гелиостатов. *Central Asian Journal of Theoretical and Applied Science*, 4(5), 189-193.

